

Президент Андижон шаҳридаги бунёдкорликни кўздан кечирди



Давлатимиз раҳбари йиғилишдан сўнг Андижон шаҳридаги бунёдкорлик ишлари ва янги лойиҳа тақдимоти билан танишди.

Дастлаб Бобур номидаги Андижон вилояти ахборот-кутубхона марказига борилди.

Бу бино 1965 йилда қурилган бўлиб, охириги йилларда эскириб, яроқсиз ҳолга келиб қолганди. Жорий йилда реконструкция қилиниб, мукамал таъмирланди. Китоблар сақланадиган ертўла ва махсус хоналарнинг ости бетонланди. Уч қаватли бино замонавий қиёфа ва шароитга эга бўлди. Кутубхона 872 минг нусхадан ортиқ китоб фондига эга.

Президентимиз марказда яратилган шароитлар билан танишди.

- Бу жой Андижон вилоятининг маънавият маркази бўлиши керак. Фарзандларимизни ўқитиш - келажакка инвестиция. Шунинг бу ерга ёшларни кўпроқ жалб этиш, натижадорликни ошириш керак, - деди Шавкат Мирзиёев.

Кутубхона фондини бойитиш учун маблағ ажратиш, уни мактаб ва олий ўқув юртлари билан самарали боғлаш, бу ерда Андижон тарихи, Бобур, Чўлпон, Муҳаммад Юсуф каби шоирлар ижоди бўйича танловлар ўтказиш зарурлиги таъкидланди.

Ахборот-кутубхона марказида 68 нафар ходим ва мутахассис меҳнат қилмоқда. Президентимиз уларни маҳаллий бюджет ҳисобидан қўшимча рағбатлантириш бўйича топшириқ берди.

Шавкат Мирзиёев Андижон шаҳрининг Бобур кўчасида қуриладиган кўприк лойиҳаси билан танишди.

Бу иншоот Самарқанд тажрибаси асосида, монолит услубида қурилиши режалаштирилган. У

Марказий темир йўл вокзали устидан ўтади ва шаҳарнинг икки қисмини боғлайди. Кўприк узунлиги қарийб 700 метр бўлиши ҳисоб-китоб қилинмоқда.

Унинг қурилиши натижасида масофа 5 километрга, вақт сарфи эса 25 фоизга қисқариб, Андижон аҳлининг неча йиллик орзу-ниятлари амалга ошади.

Давлатимиз раҳбари лойиҳани маъқуллаб, тегишли маблағ ажратиш бўйича мутасаддиларга кўрсатма берди.

Президентимиз Андижон туманидаги “Андижон гуллар боғи”ни бориб кўрди.

- Бу ҳам гўзаллик, ҳам даромад, ҳам маърифат, - деди Шавкат Мирзиёев. - Бундай боғларни ҳар бир туманда ташкил этиб, аёлларга гул етиштиришни ўргатиш керак. Бу орқали «аёллар дафтари»га кирган хотин-қизларни ишли, даромадли қилиш мумкин.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Андижон вилоятига ташрифи якунланди.









Манба